

Литература

1. НАУз. ф. Р- 837, оп.32, д.2152, л.175
2. ЦГА РК. ф. 1, оп.5, д.438, л.19
3. НАУз. ф.р. 837, оп.32, д.2993, л.22.
4. Алламуратов Г.С., Джумашев А.М., Нуржанов С.У. Повседневная жизнь каракалпакского общества в годы Великой Отечественной войны (1941-1945 гг.) // Вопросы истории. Российская Федерация. РАН. – Москва, 2020, №7. – С. 71.
5. Кошанов Б.А., Алламуратов Г.С. Пиржан Сеитов: штрихи к портрету. – Нукус: 2020. – С. 23.
6. / «Совет Қарақалпақстаны», 1965, 8 мая.
7. НАУз. ф. Р- 837, оп.32, д.3886, л. 44.
8. ЦГА РК. ф. 1, оп. 5, д. 1323, л.10.

РЕЗЮМЕ. Мақолада иккинчи жаҳон уруши йилларида Қарақалпоғистонда амалга оширилган аграр ўзгаришлар ва мобилизация жараёнлар таҳлил қилинган. Архив материаллари ва нашр этилган манбалар асосида колхозларни кўчириш, совхозларни ташкил этиш, меҳнат ва табиий ресурсларни сафарбар қилиш, ирригация қурилиши ҳамда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалалари ёритилган. Шунингдек, қишлоқ аҳолисининг фронтни озиқ-овқат ва хомашё билан таъминлашдаги роли ҳамда уруш шароитида юз берган маъмурий-сиёсий ўзгаришлар очиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются аграрные преобразования и мобилизационные процессы в Каракалпакстане в годы Второй мировой войны. На основе архивных материалов и опубликованных источников исследуются переселение колхозов, организация совхозов, мобилизация трудовых и природных ресурсов, развитие ирригационного строительства и сельского хозяйства. Особое внимание уделено роли сельского населения в обеспечении фронта продовольствием и сырьём, а также административно-политическим изменениям военного времени.

SUMMARY. The article examines agrarian transformations and mobilization processes in Karakalpakstan during World War II. Based on archival materials and published sources, it analyzes the resettlement of collective farms, the establishment of state farms, the mobilization of labor and natural resources, and the development of irrigation construction and agriculture. Special attention is given to the role of the rural population in supplying the front with food and raw materials, as well as to the administrative and political changes that took place under wartime conditions.

ТУРКИСТОНДА НОТАРИАТ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

О.Х.Жайнаров – тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Чирчиқ давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: Туркистон, совет ҳукумати, Туркистон Республикаси, Адлия халқ комиссарлиги, нотариат тизими, нотариал идоралар, нотариус, нотариал ҳаракатлар.

Ключевые слова: Туркестан, советская власть, Туркестанская Республика, народный комиссариат юстиции, нотариальная система, нотариальные органы, нотариус, нотариальные действия.

Key words: Turkestan, Soviet government, Turkestan Republic, People's Commissariat of Justice, notarial system, notarial offices, notary, notarial actions.

Кириш. 1917 йил Октябрь тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига келган советлар барча соҳалар каби суд-ҳуқуқ тизимида ҳам ўз манфаатларига мос бўлган ўзгаришларни амалга оширишга киришди. Бу ўзгаришлар дастлаб 1917-1918 йилларда қабул қилинган “Суд тўғрисида”ги декретларга мувофиқ бажарилди.

Уларда адлия тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган нотариат соҳасини кескин ўзгартириш бўйича кўрсатмалар белгиланмаган бўлса-да, большевиклар ҳукуматни қўлга олиши билан собиқ империя давридаги барча нотариал конторалар ва нотариал архивлар фаолияти тўхтатиш, Советларга қисқа муддатда янги Низомни ишлаб чиқиш бўйича кўрсатмалар берилди [1].

Адабиётлар таҳлили ва методлар. Мақола умумқабул қилинган тарихий методлар, яъни тарихийлик, киёсий-мантикий таҳлил, кетма-кетлик ҳамда фанлараро ёндошувлар асосида ёритилган. Шунингдек, мавзунинг ёритишда, тадқиқотга доир нашр этилган илмий мақолалар, архив ҳужжатлари таҳлил қилинди ҳамда умумий маълумотлар сифатида фойдаланилди.

Муҳокама ва натижалар. Совет ҳукуматининг дастлабки йилларида ҳам империя нотариал идорлари ўз фаолиятини давом эттирди. Таъкидлаш керак, совет нотариат тизимининг ташкил қилинмаганлиги, соҳа бўйича ҳуқуқий асосларнинг ишлаб чиқилмаганлиги

оқибатида 1918 йилда нотариал идоралар фаолиятида чалкашлик ва зиддиятлар одатий ҳолга айланиб қолди. Буни Тошкент шаҳар фуқароси Б.Яхниннинг комиссарликка ёзган арзномасида ҳам кўриш мумкин. Арзномада нотариуслар ҳар қандай нотариал ҳаракатлар учун исталган миқдорда бож олишаётганлиги айтиб ўтилади [2].

Туркистон МИҚнинг 1920 йил нотариал идоралар тўғрисидаги махсус буйруғи қабул қилиниди [3]. Унга кўра 1920 йил 1 февралдан мавжуд барча нотариат идора ва бўлимлари фаолияти тугатилиб, уларнинг факатгина фуқаролик ҳолатлари актларини қайд қилиш билан шуғулланиши белгилаб қўйилди. Нотариал идораларда нотариус, котиб, иш юритувчи, машинистка ва таржимон фаолият кўрсатган. Нотариал идоралар бўлмаган ҳудудларда бундай ишларни шаҳар, посёлка, қишлоқ советларининг ижроқўмлари бажарган. 1921 йил сентябрда Туркистон ХКС ўлкадаги нотариал идоралар фаолиятига доир Декрет ишлаб чиқди. Декрет асосида Туркистон Республикасининг барча вилоят ва уездларида нотариал идораларни ташкил қилиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Бироқ декрет асосида ўлканинг айрим ҳудудларидагина нотариал идоралар ташкил қилинди [4].

Туркистон МИҚ томонидан 1921 йил 19 октябрда қабул қилинган 226-сонли Декрет асосида шартнома ва келишувларни нотариал тасдиқдан ўтказиш учун 500

минг рублгача бўлган шартнома ва келишувлардан 0,5 %, ундан то 5 млн рублгача бўлган ишлардан 1 % микдорда, ундан юқори бўлган микдордаги ишлардан эса 1,5 % микдордаги нотариал ҳаққи олинган.

Нотариал идоралар ҳужжатлар тўпламини олти ой муддатга сақлаб бергани учун 1,5 олтин рубль микдоридида бож олган бўлса, қимматбаҳо буюмлар солинган қутиларнинг ҳар 20 фунтидан 1 олтин рубль микдоридида бож олинган [5].

Айтиш керак, совет нотариатининг шаклланишида РСФСР ҳукумати томонидан 1922 йил 4 октябрда қабул қилинган “Давлат нотариати тўғрисида”ги Низом муҳим аҳамиятга эга бўлди. Низом 38 банддан иборат бўлиб, совет нотариат идоралари фаолиятини ташкил қилиш асосларини кўрсатиб берди [6].

1922 йил 31 январда ўлка ХКСнинг қарори асосида нотариал идоралар тўғрисидаги Низом қабул қилинди. Низомга кўра нотариат идораларининг тузилишига ўзгартириш киритилди. ТАССР шаҳарларида аҳоли сонига қараб биттадан бештагача нотариал идоралар ташкил қилиш кўзда тутилди. Қолган ҳудудларда уларнинг вазифалари халқ судлари зиммасига юклатилди. Комиссарликнинг 1922 йил 22 июнда чиқарган 40-сонли циркуляри асосида эса нотариал органларининг халқ судларидаги барча вазифалари уларга қайтарилди [7].

Белгиланган кўрсатмалар бўйича 1922 йилда комиссарлик “суд тузилиши” бўлими 3-сонли циркулярни ишлаб чиқди. Унга кўра ўлкада жами 41 нотариат бўлимларини ташкил қилиш кўзда тутилган бўлиб, улардан 12 таси вилоят шаҳарларида, қолганлари эса уездларда ҳамда шаҳар типидидаги аҳоли манзилгоҳларида фаолият юрита бошлади. Бундан ташқари нотариал идораларининг сони вилоятлар бўйича қуйидагича тақсимлаб берилди: Сирдарёда 10 та, Фарғонада 8 та, Еттисувда 9 та, Самарқандда 7 та, Тўртқўлда 1 та [8].

Тошкентнинг янги шаҳар қисмида 1922 йилдан 2 та нотариат идоралари фаолияти йўлга қўйилди. Уларнинг бири Комиссарлик ҳузурида ташкил қилиниб, унга собиқ адлия ходими Беляев, Маҳрам кўчаси 15-уйда жойлашган 2-нотариал идорасига эса собиқ нотариус Спasiбухов мудир этиб тайинланди. Эски шаҳар қисмига шарқшунос-юрист Кассель, Тошкент уездига Тютюников, Чимкент уездига Харизоменов тайинланди [9]. Улардан фақат бир нафари маҳаллий аҳоли учун хизмат қилган.

Фарғона вилоятида нотариал идоралар ўз фаолиятини 1921 йилда бошлаган бўлиб, вилоятнинг Қўқон уездига Стекольников, Наманганга Рабиза, Фарғонага Дасточкин, Андижонга Рохин, Ўшга Утковлар мудир этиб тайинланди. Самарқанд вилоятида эса совет нотариал идоралари 1922 йилдан ташкил қилиниб, улар дастлаб Самарқанд шаҳрининг мусулмон (мудир Крестьяников) ва европалик (мудир Кукицын) қисмларида фаолият бошлади. Тўртқўл вилоятида нотариал идоралар Шўраҳон ва Чимбой уездарида ташкил қилиниб, уларда Блинов ҳамда Нур-Мухамедовлар нотариус сифатида фаолият олиб бора бошлаган [10].

“Нотариат тўғрисида”ги Низом бўйича нотариал идора мудирларини тайинлаш тартиби, унга қўйиладиган талаблар белгилаб берилди. Унга кўра нотариал бўлими мудир адлия комиссари ёки округ суд раиси тақдимида кўра жойлардаги Советлар томонидан вазифасига қўйилиб, номзод биринчи

навбатда 23 ёшдан ошган “тўла ҳуқуқли фуқаро” бўлиши лозим эди [11].

Комиссарликнинг 1922 йилдаги 6-сонли циркулярида нотариат органларининг штат жадвали белгиланди. Унга кўра вилоятлардаги нотариатлар таркиби 5 та (бўлим мудир, котиб, иш юритувчи, машинистка, таржимон), уезд нотариат идоралари эса 4 нафар ходимдан таркиб топган. Шундай қилиб, ТАССРдаги барча нотариат идораларида жами 176 нафар ходим меҳнат қилган. Комиссарлик томонидан ишлаб чиқилган 11 банддан иборат йўриқнома эса нотариат идоралари ва нотариусларнинг фаолиятини белгилаб беришга йўналтирилди [12].

Комиссарликнинг 1922 йил февралда чиқарган қарори бўйича нотариал бўлимлар барча тасдиқланган ишларнинг нотариал реестри, олди-сотди шаклидаги ҳужжатлар китоби, нотариал тасдиқдан ўтказилган барча ишларнинг алифбо шаклидаги рўйхати, протестлар китоби, нотариал ҳаракатлар учун тўланган божлар ҳамда сақлашга қабул қилинган пул ва бошқа қимматли буюмлар тўғрисидаги ҳужжатлар тўплами кабиларни доимий юритиб бориши белгилаб қўйилган [13]. Бироқ текширув-тафтиш ўтказилганда кўплаб нотариал идораларда бундай ҳужжатлар умуман юритилмаганлиги аниқланган. Бундан ташқари қатор нотариуслар ўз фаолиятини собиқ империя қонунлари асосида олиб борган. Жумладан, 1923 йилда юрисконсулт-инструктор Гнедовский томонидан Тошкент шаҳар халқ нотариуслари Стромиллов ва Спasiбуховларнинг фаолияти тафтиш қилинганда ана шундай ҳолат кузатилган [14].

Совет нотариал идоралари томонидан асосан келишув шартномалари, ишончномалар, турли хил актлар, гувоҳликлар ва бошқа ҳужжатлар нотариал тасдиқдан ўтказилган. Масалан, Самарқанд шаҳар нотариал бўлимлари томонидан 1922 йилнинг март ойи давомида 20 та шартнома, 36 та нусхаларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш, 18 та имзони тасдиқлаш, 40 та ишончнома нотариал тасдиқланган. 1923 йил январь ойда Тошкентнинг янги шаҳар қисми нотариуслари Стромиллов томонидан 472 та, Спasiбухов томонидан эса 410 та турли нотариал ҳаракатлар амалга оширилди [15].

Нотариал ҳаракатлар учун миқдорлардан давлат йиғими, нотариал йиғим, канцелярия моллари учун йиғим, шунингдек, давлат ва маҳаллий бюджет учун солиқлар олинган. Хусусан, Фарғона шаҳар нотариал органлари томонидан 1922 йил бир ой давомида 550 га яқин турли даражадаги нотариал ҳаракатлар амалга оширилиб, улардан 139517350 рубль микдоридида давлати йиғими олинган [16]. Еттисув вилояти нотариат органлари томонидан эса 1922 йил давомида 31883923 рубллик 722 та нотариал ҳаракатлар амалга оширилган.

Ўрганилаётган даврда нотариал ҳаракатлардан олинадиган божлар масаласида қатор тушунмовчилик ва муаммолар бўлиб турган. Жумладан, халқ нотариуси Чернов томонидан ёзилган билдиргида Тошкент уезди собиқ халқ нотариуси Тютюников нотариал ишлар учун 10323 рубль йиғиб олганлиги, бироқ уларнинг тўлов квитанциялари йўқлиги ҳақида хабар беради. Нотариус Стромиллов эса 83114 рубль микдоридидаги йиғимларни Давлат банкига топширмасдан ўз хонасида сақлаётганлиги текширувлар давомида аниқланган [17].

1923 йилда нотариат тўғрисида яна бир Декрет ишлаб чиқилди [18]. Ушбу декрет 1922 йилдагидан

деярли фарқ қилмаса-да айрим ўзгаришларга эга эди. Жумладан, улар давлат ихтиёрига ўтказилиб, вилоят судлари томонидан бошқарилиши белгилаб қўйилди. Бундан ташқари катта нотариусларга вилоят судлари фуқаролик бўлимининг доимий аъзоси мақоми берилди. Шунингдек, улар ўз фаолиятини Фуқаролик кодексидаги қоидалар бўйича олиб бориши кўрсатилди.

1924 йилдан вилоятлардаги мавжуд нотариат идоралари сонида бирмунча ўзгаришлар рўй берди. Айрим ҳудудларда нотариал идоралар кўпайтирилган бўлса, бошқа жойларда уларнинг сони қисқартирилди. Шунингдек, айтиб ўтиш керак қатор ҳудудларда нотариат идоралари фаолияти умуман йўлга қўйилмади. Масалан, Самарқанд вилоятининг Жиззах, Ўратепа, Еттисув вилоятининг Норин уездларида бирорта нотариал идора ташкил қилинмаганлигини кўриш мумкин.

Бу даврга келиб маҳаллий аҳолининг совет нотариал органларига нисбатан ишончини уйғотиш масаласига ишчи-деҳқон ҳукумати катта эътибор қаратди. Шу мақсадда қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, биринчи галда нотариал органлар фаолиятига маҳаллий тилларни билладиган таржимонлар ва бошқа мутахассислар жалб қилиниб, уларнинг иш фаолияти каттиқ назорат остига олинди. Хусусан, Тошкентнинг “эски шаҳар” қисми халқ нотариуси лавозимига тайинланган А.Кассел рус тилидан ташқари форс, турк, араб, француз тилларини билган. Шунингдек, нотариал

органларига маҳаллий аҳолидан аризаларни ўз тилларида қабул қилиш бўйича кўрсатма берилди. Бу жараён айниқса Тошкентнинг “эски шаҳар” қисмида жадаллик билан амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 1922 йил сентябрь ойида нотариал идораси маҳаллий аҳоли гавжум бўладиган Чорсу бозори ҳудудидаги “Осиё” меҳмонхонаси биносига кўчирилди. Бундан ташқари идора фаолиятига маҳаллий аҳоли вакиллари кенг жалб қилди ҳамда барча фуқаролик ишлари бўйича аҳолига бепул юридик ёрдамни ташкил қилган [19]. Бироқ совет ҳукуматининг ўтказган бундай ислохотлари ҳам ўзининг қутилган самарасини бермади яни маҳаллий аҳолининг совет нотариал органларига муносабати ўзгармади. Хусусан, Тошкентнинг “эски шаҳар” аҳолисига хизмат қилган Чернов томонидан 4 ой давомида 91 та нотариал ҳаракатлар олиб борилган бўлса, “янги шаҳар” нотариуси Стромилов шу давр мобайнида 587 та нотариал ишларни амалга оширди [20].

Хулоса. Большевиклар ҳукумати соҳа бўйича қонунчилик асослари ишлаб чиқилгунга қадар уларнинг тўлиқ фаолият юритишини чегаралаб қўйди. Совет қонунларининг жойларга етиб бормаганлиги, шунингдек, кўплаб нотариусларнинг собиқ империя давридан бери фаолият юритиб келаётганлиги оқибатида эса Туркистон АССР тугатилгунга қадар нотариат тизимида кўплаб чалкашлик ва зиддиятли ҳолатлар кузатилди.

Адабиётлар

1. Ежедельник советской юстиции. 1923. № 44. – С. 1015.
2. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 13-иш, 29-варақ ва унинг орқаси.
3. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 105-иш, 38-варақ.
4. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 269-иш, 71-варақ.
5. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 277-иш, 43-варақнинг орқаси.
6. Jaynarov O. –Toshkent: “Huquq himoyachilari kollegiyasi” Faoliyati tarixidan (XX asr 20-yillari) //News of the NUUZ. 2024. T. 1. №. 1.9. 7-9-b.
7. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 224-иш, 303-варақ.
8. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 277-иш, 22-варақ; ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 224-иш, 92-варақ ва унинг орқаси.
9. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 288-иш, 62-варақ.
10. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 224-иш, 94-варақ.
11. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 3-иш, 103-варақ.
12. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 289-иш, 27-28-варақлар.
13. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 277-иш, 24-варақ.
14. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 318-иш, 15-варақ.
15. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 318-иш, 16-варақ.
16. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 269-иш, 71-варақнинг орқаси.
17. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 277-иш, 68-варақ.
18. Jaynarov O. The activity of lawyers in Uzbekistan in the 1920s of the 20th century (the example of Tashkent college of lawyers) //American journal of education and learning. 2025. т. 3. №. 6. – P. 595-599.
19. // Вестник юстиции Узбекистана. – Ташкент: 1925. № 2-3. – С. 31.
20. ЎзМА Р-38-фонд, 2-рўйхат, 277-иш, 71-б.

РЕЗЮМЕ. Мақолада бирламчи манбаларга таянган ҳолда 1917–1924 йилларда Туркистонда нотариат тизимида содир бўлган ўзгаришлар, совет ҳукуматининг нотариат соҳасидаги давлат сиёсати, соҳага доир қабул қилинган ҳуқукий-меъёрий ҳужжатлар, нотариал идораларнинг вазифа ва ваколатлари, нотариуслар фаолияти очиб берилган.

РЕЗЮМЕ. В статье на основе первоисточников раскрываются изменения, происходившие в нотариальной системе Туркестана в 1917–1924 годах, государственная политика Советской власти в сфере нотариата, принятые нормативно-правовые документы по данной отрасли, функции и полномочия нотариальных органов, а также деятельность нотариусов.

SUMMARY. The article, based on primary sources, reveals the changes that took place in the notarial system of Turkestan in 1917-1924, the state policy of the Soviet government in the field of notary services, the normative legal documents adopted in this sphere, the functions and powers of notarial bodies, as well as the activities of notaries.